



116

QAROR

№ 259-К

2004 йил « 5 » феврал

Нефт маҳсулотлари таркатиш
шаҳобчалари қуриш учун ер
ажратиш тугрисида.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тугрисида» 2003 йил 24-мартдаги ПФ-3226-сон, «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» 2003 йил 27-октябрдаги ПФ-3342-сон фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 258-К сонли «2004-2006» йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарорига ҳамда туман ҳокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 489-К сонли қарорига асосан кишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хўжалиқларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги, А.Темур номли ширкат хўжалиги, «Янгиқургон» ширкат хўжалиги, А.Кодирий номли ширкат хўжалиги, «Дахбед» ширкат хўжалиги, «Навруз» ширкат хўжалиги ҳудудларида нефт маҳсулотлари таркатиш шаҳобчалари ташкил этилсин ва ҳар бир шаҳобча қурилиши учун кишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонидан 0,10 гектардан ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2004 йил 10-февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш комиссиясининг 2004 йил 10-февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қурилиш буйича уринбосари Ш.Ирисовга юклатилсин.

Туман ҳокими:-

Ш.Негматов

Ш.Негматов